



O'ZBEKISTON O'VOZI

2015-yil, 14-aprel. Seshanba 43 (31.946)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАН МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Германия Федератив Республикасининг
Федерал канцлери

Покистон Ислон Республикаси
Президенти

Покистон Ислон Республикаси
Бош вазири

Тунис Республикаси Президенти

Россия Федерацияси Федерал
Мажлиси Давлат Думаси
Раиси

Жаҳон банки Президенти

«Лемкен» компанияси

ижрочи директори

Германия-Ўзбекистон ишбилармонлик

кенгаши ижрочи директори,

«Дойче Кабель АГ Тошкент»

қўшма корхонаси инвестори

Ядро тадқиқотлари бирлашган

институт директори,

Россия Фанлар академияси академиги

— Ангела Меркель

— Мамнун Хусайн

— Навоз Шариф

— Муҳаммад ал-Божий

Қонд ас-Сибсий

— Сергей Нарискин

— Жим Янг Ким

— Антони ван дер Лей

— Фальк Порше

— Виктор Матвеев

табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ



Сайлов ШОҒУЛАГАНОВ олган сурат.

Аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатилиши — муҳим масала

Шунинг учун аҳолига сифатли коммунал хизматлари кўрсатиш тизимини яхшилаш муҳим масала ҳисобланади. ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ва халқ депутатлари шаҳар

Кенгашидаги партия гуруҳи ҳамкорлигида «Уй-жой, коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммо ва ечимлар: унда ЎзХДП ташкилотларининг иштироки» мавзусида ўтказилган семинар-

да бу масала атрофлича муҳокама этилди. Хусусан, тизимда олиб борилаётган ишлар, аҳоли ва ширкатлар ўртасидаги муносабат кўп қаватли уйларда коммунал хизматлар нархларининг

— ЭШИТДИНГИЗМИ, ДУШАНБА-ДАН ИССИҚ СУВНИ ЎЧИРИШАР ЭКАН.

— ТУШУНАРЛИ. ОДАТДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ДЕНГ.

— УЙ ИШЛАРИНИ ШУНГА ҚАРАБ РЕЖАЛАШТИРИШИМИЗ КЕРАК...

ҲАЁТДА ШУНДАЙ ГАПЛАР ҚУЛОҚҚА ТЕЗ-ТЕЗ ЧАЛИНИБ ТУРАДИ. СОВУҚ СУВ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ, ТАБИИЙ ГАЗ КАБИ КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖЛАРИМИЗ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН МАНБАЛАРНИНГ УЗИЛИБ ҚОЛИШИ УЙ БЕКАЛАРИГА ҚИЙИНЧИЛИК ТУГДИРАДИ. УЙИНГИЗДА СУВ, ЗАНГОРИ ОЛОВ, ЁРУҒЛИК МАНБАИ БОР ЭКАН, ХОТИРЖАМ БЎЛАСИЗ, ЯХШИ КАЙФИЯТ БИЛАН ИШГА ОТЛАНАСИЗ...

► Давоми 2-бетда.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА
КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА
БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС
ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ
НУТҚИДА БИЛДИРИЛГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ
ФИКРЛАР ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎЗИГА, БУЮК
КЕЛАЖАГИГА БЎЛГАН ИШОНЧНИНИ ЯНАДА
МУСТАҲҚАМЛАДИ, КАТТА МАРРАЛАР САРИ
ИЛҲОМЛАНТИРДИ. БУГУН ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИ
ХАЛҚИМИЗ, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК, ХУСУСАН,
ПАРТИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ, ФАОЛЛАРИ
ТОМОНИДАН ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА...

■ Президентимиз ўз нутқида эришган ютуқларимиз замирида, аввало, биз танлаган ва дунёда «Ўзбек модели» деб ном олган машҳур беш тамойил — принципга асосланган, тадрижий — эволюцион, босқичма-босқич ривожланишнинг Ўзбекистон йўли муҳим ўрин тутганини алоҳида қайд этди.

2



ЎЗХДП ҲАМКОРЛАРИ

Юрт келажаги, қудрати соғлом авлод қўлида

■ Фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказиш ота-онанинг энг эзгу орзуси. Шунинг учун оила ҳаётининг негизи ва яратувчиси ҳисобланади. Жамиятда камолотга интилиб яшайётган оилалар, соғлом болалар қанчалик кўп бўлса, мамлакат шунчалик маърифатли, куч-қудратли бўлиб бораверади.

Мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш масаласи ҳар доим эътибор марказида бўлиб келган. Бундан қарийб 22 йил олдин, 1993 йил 23 апрель куни Давлатимиз раҳбари фармони билан «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлган халқаро хайрия фонди ташкил

топти. «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи ордени ва жамғармасига ушбу ном берилиши соғлом авлодни вояга етказиш йўлида қўйилган муҳим қадам эди.

Бугунги кунга қадар фонд давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим ва

долзарб вазифаларини ҳал қилишда фаол иштирок этиб келмоқда. Фонд дунё микросида танилди, айтиш мумкинки, ўз нуфузига эга бўлди.

Фонд томонидан оилаларнинг санитар-гигиеник шароитини яхшилаш, айниқса, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, муҳтожларга тез ва самарали ёрдам кўрсатиш йўлида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу мақсадда фондининг Тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадалари ташкил этилди. Уларнинг манзилли хизмати орқали кўплаб оилалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, оналар ва болалар соғлиги мустаҳкамланмоқда.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Ёш сиёсатчилар кўрик-танлови

■ ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан «Мен Ватаним равнақига ҳисса қўишни хоҳлайман» шиори остида «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўтказиб келинаётганидан кенг жамоатчилик хабардор. Ушбу кўрик-танлов ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг истеъдодини юзага чиқариш мақсадида ҳар йили ўтказиб келинмоқда. Бу йил танловда икки минг нафардан ортиқ наманганлик ёшлар иштирок этиш истагини билдиришди.

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг Наманган шаҳар босқичи қизгин баҳс-мунозаралар остида ўтди. Унда Наманган давлат университети талабаси Абдумажид Аҳмедов, Наманган муҳандислик-педагогика институтини талабалари Абдулбосит Собиров, Хожиакбар Паттаев, Алишер Исмоилов ҳамда Наманган

давлат университети қошидаги II академик лицей ўқувчиси Исроил Аълохўжаев ўзаро беллашди.

Дастлабки шартда иштирокчилар ўз бизнес лойиҳаларини тақдим этишди. Айниқса, Алишер Исмоиловнинг лойиҳаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ушбу лойиҳа кексаларимизнинг фаровон ҳаёт ке-

чиришларига кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, кредит олиш эвазига «Нуронийлар» спорт клуби ташкил этилади. Клубда спортнинг шохмат-шашка, стол тенниси турлари бўйича машғулотлар олиб борилиб, йилда бир марта нуронийлар кубоги ўтказилиши назарда тутилган. Лойиҳанинг яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, спорт мураббийларини клубга жалб этиш орқали янги иш ўринлари яратилади.

Барча шартлар бўйича ёш сиёсатчилар билимли ва зукко эканликларини на-

мойиш этишди.

Кўрик-танлов якунида «Энг зукко иштирокчи» номинацияси бўйича Абдумажид Аҳмедов ҳамда «Энг самарали ижтимоий лойиҳа» номинацияси бўйича Алишер Исмоилов тақдирланди. Мусобақа ғолиби Исроил Аълохўжаев танловнинг вилоят босқичига йўланма олди. Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар ЎзХДП Наманган шаҳар Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулурух ТОШМАТОВА,
ЎзХДП Наманган вилоят
кенгаши сектор мудир.

Корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлаш амалиётини янада ривожлантириш зарур. Бу борада ўқувчиларнинг касбий малакасини кафолатловчи ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш, бунинг учун иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Сайловолди дастуридан

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Сайловолди дастурини амалга
ошириш учун
қатъийлик ва ташаббус
кўрсатиш талаб этилади

■ Халқ депутатлари маҳаллий
Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари
ҳамда минтақавий партия ташкилотлари
ўртасидаги ҳамкорликни
ривожлантириш қандай самара беради?

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ

нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, Мудофаа
ва ҳавфсизлик
масалалари қўмитаси
аъзоси:



Ҳасан НОРМУРОДОВ,
«Нуроний» жамғармаси
Самарқанд вилоят
бўлими раиси, халқ
депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП
гурухи аъзоси:



Дилором
АБДУРАҲИМОВА,
ЎзХДП Наманган
вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари
вилоят Кенгашидаги
ЎзХДП гурухи раҳбари:

— Президентимизнинг қўшма мажлисидаги нутқда мамлакатимиз олдида турган стратегик вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилди. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, ҳаётимизни демократлаштириш ва энг муҳими юрт тинчлиги масаласи...

Мамлакат тинчлиги — ҳар бир халқ учун энг устувор масала ҳисобланади. Президентимиз ўз нутқида бунга яна бир бор эътибор қаратди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, ўта таҳликали, тобора кескинлашиб бораётган, турли хавф-хатарларга тўла замонда яшаймиз. Шу боис Ватанимиздаги тинчлик-осойишталикни, чегараларимиз дахлсизлигини сақлаш энг муҳим масалага айланмоқда. Бу борада Ўзбекистон йўлини давлатимиз раҳбари яна бир бор таъкидлади. «Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудда чет эл ҳарбий базаларини жойлаштиришга, бизнинг ҳарбийларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди».

Мамлакатимиз раҳбарининг бу даввати ҳар бир ўзбекистонлики, айниқса, биз, оналарнинг қалбини тўлқинлантириб юборди. Чунки барча оналар тинчликни, фарзандлари соғ-омон бўлишини истайди.

Биз депутат сифатида халқ орасида бўлаемиз. Сайловчилар билан учрашамиз. Одамларнинг кўзларидан, сўзларидан шуни англаймизки, улар тинчлик қадрига, мустақиллик қадрига етишди. Уни кўз қорачиқдай асрашди.

Дарҳақиқат, бугун бутун дунёда юз бераётган воқеалар, қарама-қаршиликлар, сиёсий курашларни таҳлил этган ҳолда, шундай хулосага келамиз.

Тинчлик осмондан тушмайди. Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун, аввало, атрофимизда бўлаётган воқеаларга нисбатан сергак бўлиш ва ўзимизнинг ҳолис муносабатимизни билдиришимиз керак. Қолаверса, мана шундай таҳликали бир даврда яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳам ўта муҳим масаладир.

Тарих бизга йўл кўрсатади. Ўтмишда қандай воқеалар бўлганини, улардан қандай хулосалар чиқариш лозимлигини биз биламиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, **Ўзбек халқига тинчлик-омонлик керак. Фақатгина орзу билан эса тинчликка етиб бўлмаслиги ҳаётий ҳақиқат. Унга кураш ва фақат курашлар билан эришилади.**

— Телевизор орқали Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқини диққат билан эшитиб, жуда ҳам ҳаяжонланиб кетдим. Ҳам чуқур ўйга чўмдим. Нутқда айтилган ҳар бир гапнинг тағида катта маъно-мақсад ётибди. Масалан, Юртбошимизнинг **агарки биз эришган ютуқ ва марраларимиз билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаиш ва бепарволик кайфиятларига берилиб кетса, бундай ҳолат барчамиз йўл қўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкин**, деган сўзлари маъносига эътибор қаратайлик.

Бугун дунёдаги вазият, жаҳон миқёсида иқтисодий-молиявий инқироз, қарама-қаршиликлардан келиб чиқиб фикрласак, барча йўналишларда олиб бораётган ишларимизни янада кучайтириш зарурлигини англаймиз. Бунинг учун, аввало, нуронийлар, кексалар, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонлар бошқаларга ибрат бўлиши, ёшларни доимо ҳушёр бўлиш ва олдинга интилишга рағбатлантириши лозим.

Президентимиз дунёда қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётгани, радикализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораётгани **барчамиздан аввало бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарликни янада оширишни талаб қилади**, деди.

Дарҳақиқат, бирлашиб ички ва ташқи душманларга қарши мардона тура олган халқни ҳеч қандай куч енга олмайди. Бу борада амалга ошираётган ишларимиз қаторида ҳаётимизни ўзгартираётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, уларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга тушуниришда фаол иштирок эhtiшимиз лозим.

Хозирда мамлакатимиз раҳбари нутқини тарғибот қилишга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Унга кўра, вилоятимиз нуронийлари, ЎзХДП депутатларидан иборат тарғибот гуруҳлари учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказди. Бундай мулоқотларда асосий эътибор тинчлик, ўзаро аҳиллик масалаларига қаратилди. Унда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, кўпни кўрган отахону онахонлар, эл эътиборидаги инсонлар ёшларга яқин ўтмишда бошимизга солинган мусибатлар, бугунги кунларнинг қадри ҳақида сабоқ беришди.

Урушнинг оғир йилларини бошидан ўтказган, мустабит тузум азобларини кўрган кекса авлод вакиллари ҳар иккала даврни ёшларга тақдослаб бериши катта тарбиявий аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

— Президентимиз ўз нутқида эришган ютуқларимиз замирида, аввало, биз танлаган ва дунёда «Ўзбек модели» деб ном олган машҳур беш тамойил — принципа асосланган, тадрижий — эволюцион, босқичма-босқич ривожланишнинг Ўзбекистон йўли муҳим ўрин тутганини алоҳида қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, айниқса, беш тамойилнинг бири бўлган — кучли ижтимоий сиёсат ўтган даврда халқимизни қанча кўнгилсизликлар, хавф-хатарлардан асраб қолди. Бу сиёсат натижасида оғир даврларда ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришилмоқда. Мисол учун, охириги 10 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан ошиб келаётгани бунга яққол далил бўла олади. Ушбу кўрсаткич ва рақамлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни қанчалик тўғри эканини кўрсатиб турибди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бундай ютуқларнинг сабабларини биз аввало мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимиз, одамларимизнинг дунёқарashi, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганида кўраемиз. Ва энг муҳими, бунинг сабаби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқётган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги кунини ўзини масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб билганимиздир.

Албатта, бу борадаги ишларни янада изчил давом эттириш, ислохотларга муносиб ҳисса қўиш ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялардан ҳам катта масъулият талаб этади. Президент нутқида ёшларга алоҳида эътибор қаратилди. Шундан келиб чиқиб, «Истикбол» ёшлар қаноти Наманган вилоят бўлими фаоллари нутқда билдирилган фикрлар моҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб қиладиган кўлаб тадбирлар ташкил этишни режалаштирган.

Президентимиз томонидан айтилган фикрлар мамлакатимизни тараққий эттириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Депутатлар, партияимиз фаоллари нутқда билдирилган фикр ва мулоҳазаларни чуқур ўрганган ҳолда, тизимли равишда ҳаётта татбиқ этишда фаол иштирок этишлари лозим...

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

АҲОЛИГА СИФАТЛИ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛИШИ — МУҲИМ МАСАЛА

■ Айтиб ўтилганидек, пойтахт аҳолисининг асосий қисми кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатувчи ширкатларнинг ишлаш тизими тўғри йўлга қўйилиши одамларнинг турмуш шароити яхшилланишига хизмат қилади. Шунинг учун ЎзХДП депутатлари ширкатлар билан доимий мулоқотда бўлиши, жойларда коммунал соҳада учраётган муаммоларни ўрганиш ва таҳлил этишда улар билан ҳамфикр бўлиши талаб этилади. Шунда муаммолар ечими юзасидан аниқ, ҳаётий тақлифлар билдириш имконияти юзига келади.

— ЎзХДП Сайловолди дастури ва 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатишни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — деди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Ҳайдар Бобохонов**. — Чунки коммунал соҳада аҳоли, айниқса, партияимиз электорати манфаатларига дахлдор масалалар кўп. Шунинг учун барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатларимиз бу йўналишда янада жиддий ишлаши, хусусан, Жамоатчилик қабулхоналарига бу бўйича тушган мурожаатларни ҳал этишга эътиборни кучайтириши керак.

Коммунал хизматларнинг доимийлиги ва сифатини таъминлаш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Бунда юзгага келган муаммо бўйича мутахассисларни ўз вақтида бохабар қилиш талаб этилади. Шу мавзуга тўхталар экан, **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов** депутатлар олдида турган вазифалар ҳақида фикр билдирди.

— Мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, яшаш шароитини яхшилашга катта эътибор қаратилляпти. Аммо очигина айтиш керак, жойларда бу борада айрим муаммолар ҳам учраб турибди, — деди у. — Биламизки, коммунал хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш маҳаллий ҳокимият томонидан амалга

Ҳар бир депутат ўз округи ҳудудда режали иш ташкил этиши керак. Аҳоли томонидан амалга оширилаётган тўловлар манзилига етиб боргандагина, кўп қаватли уйларнинг муаммолари ечим топади. Бу борада тарғибот-тушунириш ишларини кучайтириш зарур.

оширилди. Депутатларимиз мазкур йўналишдаги қонунлар ижросининг назоратини амалга оширишда бироз қамчиликларга йўл қўйилмоқда. Биз ўз ваколатимиздан унулли фойдаланган ҳолда, қонунлар ижроси устидан доимий назоратни йўлга қўйишимиз керак. Муаммолар фақат битта ҳудуд мисолида эмас, аксинча кўпроқ маҳалла ва аҳоли яшаш жойлари мисолида таҳлил этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир депутат ўз округи ҳудудда режали иш ташкил этиши керак. Аҳоли томонидан амалга оширилаётган тўловлар манзилига етиб боргандагина, кўп қаватли уйларнинг муаммолари ечим топади. Бу борада тарғибот-тушунириш ишларини кучайтириш зарур. Бунинг учун партияимиз тизимида аҳоли, коммунал хизматлар кўрсатувчи субъектлар билан мулоқотга асосланган тадбирларни йўлга қўйишимиз лозим.

Йигилишда, шунингдек, **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Мукаддас Раҳматуллаева, «Чустий» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Дилфуза Аҳмедова, «Хумо юлдузи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Муборак Абдуллаева** ҳудудларда коммунал соҳада учраётган муаммоларнинг ечими юзасидан тақлифлар билдиришди. Хусусан, имтиёзли, узоқ муддатли кредитлар ажратилишини таъминлаш, уларни тўлашда аҳолидан тушган маблағларни инобатга олиш масаласи кўтарилди. Коммунал тўловлардан доимий бош тортаётган айрим фуқаролардан маблағларни ундириш чораларини кўриш, мақбул тўловларни жорий этиш тақлифлари ўртага ташланди. Шу асосда партия ташкилотлари, депутатлар зиммасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ЎЗХДП ҲАМКОРЛАРИ

Юрт келажаги, қудрати соғлом авлод қўлида



Аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, туғиш ёшидаги аёлларни тиббий қўриқдан ўтказиш ва доимий назоратга олиш, ҳомиладор аёлларни бепул дори воситалари билан таъминлаш, юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, оналик ва болаликни ҳимоялаш соғлом авлодни шакллантиришнинг муҳим шартларидан саналади. Фонд томонидан бу борада самарали тизим яратилди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Корея Республикасининг «Ehwa Womens University» ши-фоконаси билан шартнома тузилиб, Тошкент вилоятининг

Юрта Чирчик туманидаги болалар ши-фоконасида икки мамлакатнинг етакчи мутахассислари иштирокда тиббий қўриқлар ўтказилди.

2015 йилнинг биринчи чораги давомида фонднинг 15 та кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси Тиббий-ижтимоий маркази томонидан Республика бўйича оилаларнинг ижтимоий шароити, аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлиги ўрганилди. Бу борада аҳоли ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар уюштирилди. Шу билан бирга, амалга оширилган келтириб ўтиш ўринли бўлади. Кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаларининг маълумотларига кўра, аёлларда аниқланган касал-

ликлар ичида камқонлик нисбатан кўпроқ учрайди.

Бундан ташқари, эндокрин тизими ва организмда модда алмасишуви бузилиши, гине-кологик касалликлар ҳам учраб турибди.

Болалар ўртасида эса кўпроқ камқонлик, нафас олиш тизими, эндокрин касалликлар кузатишмоқда. Биз бу масалаларда тегишли чора-тадбирларни амалга оширя-миз, албатта. Хусусан, кўлаб оилаларга тиббий ва хайрия ёрдами кўрсатилди. Умумий қиймати қарийб 2 миллиард сўмлик дори-дармон, санита-рия ва гигиена воситалари, шунингдек, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари тар-қатилди. Касаллик ҳолатига кўра, амбулатория ёки касал-хона шароитида даволаниш ишлари олиб борибди.

Бир неча йиллардан буён «Соғлом авлод учун» фонди халқаро хайрия жамғармала-ри билан бирга ногирон бо-лаларга хайрия тиббий хиз-матини кўрсатиш бўйича ҳам-корлик қилиб келмоқда. Хусу-сан, Соғлиқни сақлаш вазир-лиги Германиянинг «Frien-derdorf International» халқаро ташкилоти билан уч томонла-ма ҳамкорлик шартномасини имзолаган. Унга кўра, 12 ёшгача бўлган бемор ва но-гирон болаларни даволаш, реабилитация қилиш масала-лари ҳал этилмоқда. Жумла-дан, 2002-2015 йиллар даво-мида 250 нафар бемор бола-тери куйиши асоратлари, кўл-

Светлана ИНАМОВА,
«Соғлом авлод учун»
ҳукуматга қарашли бўлма-
ган халқаро хайрия фонди
бошқарувчи раиси,
ЎзХДП фаоли.



■ ДЕПУТАТЛАР МУНТАЗАМ РАВИШДА СИЁСІЙ ПАРТИЯ НАШРЛАРИ ЁКИ БОШҚА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ЎЗ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ, ТАКЛИФЛАРИНИ БИЛДИРИБ БОРИШИ ЗАРУР.



■ ҚОНУНГА БИНОАН ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИЛАР ОЛДИДА МАСЪУЛ ВА ҲИСОБДОРДИР.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

АНЖУМАН

ТИББИЁТ РИВОЖИДА

нодавлат нотижорат ташкилотлари
муҳим ўрин тутати

■ Тиббиёт ривож ва тараққиёти ҳамма даврларда ҳам халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб келган. Шу боис Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам муҳим ўрин тутати. Ўзбекистон врачлар ассоциацияси ҳам ана шундай жамоат ташкилотларидан биридир.

Яқинда ассоциация Кенгашининг жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари, ассоциациянинг ҳудудий бўлиmlари вакиллари, ҳамкор ташкилотлар иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси раиси Абдулла Худайберганов сўзга чиқиб, ташкилот томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар, олдинда турган устувор вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Бугунги кунда ассоциациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ви-

лоятлардаги 14 та ҳудудий бўлиmlари фаолият кўрсатмоқда. Ассоциация давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимиз тиббиётини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, айнан Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг таклифига кўра, «Ибн Сино» фонди ҳамда «Ўзбекистон хусусий врачлар ассоциацияси» ташкил этилди.

Ассоциация фаолият йўналишларидан яна бири қатор семинар ва конференциялар ташкил этиш орқали амалиёт врачларининг малакасини ошириш ҳисобланади. Ҳозиргача бундай конференциялар Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва бир қатор туманларда ўтказилди. Улар-

да тиббиётнинг кўплаб долзарб масалалари муҳокама этилди. Ийгилишда мазкур конференциянинг навбатдагиси жорий йилда Сирдарё вилоятида ўтказилиши белгилаб олинди.

— Жорий йилда ассоциация томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган, — дейди Ўзбекистон врачлар ассоциацияси тафтиш комиссияси раиси Мухтор Усмонов.

— Хусусан, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этишда фаол иштирок этиш талаб этилади. Жойларда ўтказилаётган тиббий кўриқ акцияларида ассоциация аъзоларининг иштироки муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси тиббиёт олий ўқув юрти талабалари ҳамда фахрий врачларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ма-софадан ўқитиш орқали врачлар малакасини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, 2010 йилдан буён 20 нафардан ортқ талаба ассоциация стипендияси, 1200 нафардан



Фарух АЛИЕВ олган суратлар.



Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Қашқадарё вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Акрам Акбаров. — Шунинг-

2010 йилдан буён 20 нафардан ортқ талаба ассоциация стипендияси, 1200 нафардан ортқ врач масофа орқали ўз малакасини ошириб, сертификат соҳиби бўлди.

дек, тиббиёт муассасаларининг ягона статистика ҳисоби ва тиббий ҳисоботни барқарор қилувчи ахборотлар базасини ташкил этишда қатнашиб, тиббий ихтисосликлар бўйича диагностика ва даво-

лаш стандартларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, халқ табибати ривожлантириш ва уни ҳаётга татбиқ этишга қўмаклашишдир. Бундан ташқари, врачларни тиббий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар бўйича билимини оширишга ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Жорий йилда бу йўналишда бир қатор ибратли ташаббусларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Тадбирда ассоциация томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, мазкур тизим фаолиятини янада кучайтириш бўйича зарур тақлифлар ўртага ташланди.

Ўзбекистон врачлар ассоциацияси йиғилишида Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асильбек Худайров иштирок этди.

Нуралӣ ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Хушёрликни янада ошириш зарур

■ Халқимизда кўза кунда эмас кунда синади, деган гап бор. Бунинг аниқлиги, ёнғин ўчирувчилар кўп такрорлашади. Чунки айрим ҳолларда кишиларнинг эътиборсизлиги, масъулиятсизлиги сабаб хонадонлардаги иситиш ёки ёритиш воситаларининг техник носозлигидан ёнғинлар келиб қикади. Бунинг оқибатида мол-мулкка, иқтисодиётга жиддий зарар етиши, энг ачинарлиси эса одамларнинг бошига қулфат тушиши мумкин.



Шунинг учун ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан бундай нохуш ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида аҳоли турар-жойларида, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари кучайтирилмоқда.

Айниқса, аҳоли турар жойларида ёнғиннинг олдини олишга, фуқаролар орасида тарғибот ишларини изчил йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёнғинга қарши тайёргарлик ҳолати бўйича хонадонларда доимий текширувлар ўтказилиб, қатъий назоратга олинди. Хусусан, пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги «Авиасозлар», «Илтифот», Усмон Носир, «Наврўз», «Мохинур», «Мустақиллик» ва «Мустақилликнинг 10 йиллиги» маҳаллаларида қатор йиғилишлар ўтказилди.

Профилактик тадбирларга қарамадан, жорий йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида туманда 17 та ёнғин содир бўлди. Ёнғинларнинг

аксарияти аҳоли турар жой биноларида носоз электр ва газ мосламаларидан фойдаланилиши оқибатида келиб чиққан. Шунинг учун маҳаллалардаги хонадонлар текширилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қондаларига доимий равишда риоя қилиш ҳақида қўшимча тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Айтиш керакки, «тилсиз ёв» деб аталмиш бу офатдан сақланиш учун барчамиз бирдек хушёр ва эҳтиёткор бўлишимиз лозим. Ҳар бир хонадондаги электр симлар, газ қувурлари ва плиталардаги техник талабга жавоб бермайдиган ҳолатлар дарҳол тузатилиши зарур. Шу орқали ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилган, энг муҳими, оиламиз аъзолари ва яқинларимизни қутқариладиган оқибатдан асраган бўлаемиз.

Дилмурод ЭРҲАШЕВ,
Улуғбек УСМОНОВ,
Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ
инспекторлари.

ЯНГИЛИК

■ ...Светофорнинг сариқ чироғи ёнди. Автомашиналар бирин-кетин тўхтади. Лекин бир машина ўз йўлида ҳаракатини давом эттириб катта тезликда чорраҳага қийиб келди. Ён томонидан ҳаракатланаётган машиналар ҳайдовчилари тормозни кескин босишга тўғри келди. Гилдиракнинг чийиллаган шовқини ваҳимали эшитилди. Ҳамма ўша томонга қаради. Икки автомашина тўқнашиб кетганига оз қолди... Ҳайдовчилар бир-бирларига эътироз билдира бошлади.

ПОЙТАХТ ЧОРРАҲАЛАРИДА

видео кузатув мосламалари жорий йил якунига
қадар ишга туширилади

Ҳурматли ҳайдовчи, шошиланг, хушёрликни янада оширинг. Чунки пойтахтимиз чорраҳаларида видео кузатув мосламалари жорий йил охирига қадар ишга туширилади. Биз шу ҳақда Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ жамоатчилиги ва ОАВ билан алоқа қилиш бўлимининг бошлиғи, подполковник Зоир САЙДАЛИЕВ билан суҳбатлашдик.

— Пойтахтимиз чорраҳаларида видео кузатув мосламалари ўрнатилишига нафақат ҳайдовчилар, балки йўловчилар ҳам қизиқиш билан қарашмоқда. Шу боис видео кузатув мосламалари қачондан ишга туширилиши, қай тартибда ишлаши ҳақида маълумот берсангиз?

— Видео кузатув мосламалари пойтахтимизнинг серкатнов чорраҳаларига ўрнатилди. Айни вақтда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда ва бу мосламаларни жорий йилнинг охиригача тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган. Видео кузатув мосламалари автоматик бошқарувда тўғридан-тўғри, онлайн

тарзда ишлайди. — Йўл ҳаракатини тартибга солиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган жараёнинг афзалликлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Яратилаётган тизим шаҳримизнинг серкатнов чорраҳаларида вужудга келаётган вазиятларни кузатиш ҳамда ҳаракатни автоматик тарзда тартибга солиш имконини беради. Шу билан бирга йўл ҳаракати қондабузарликлари тизим ва ўта аниқ даражада белгилаш чораларини таъминлайди. Ушбу янгилик чорраҳалардаги светофорларнинг ишлаш тартибини мувофиқлаштириш эвазига кўчалардаги қатновни изчиллаштирадиган. Транспорт тирбандлиги даражаси 20-25 фоизга камайиб, қўзланган манзилга етиб бориш вақтини қисқартириш имконини беради. Ўз навбатида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги даражасини ошириб, йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кескин камайишига олиб келади, транспорт воситасининг ёқилғи

сарф-ҳаражатини ҳам тежайди. Ёнғин муҳими, шаҳримиздаги экологик вазиятга ўз таъсирини кўрсатади. Чунки, автоуловнинг ёқилғи сарфи иқтисод қилинса, двигателнинг зарарли чиқиндилари 5-10 фоизга камаяди.

— Видео кузатув мосламалари томонидан йўл ҳаракати қондаси бузилганлиги қайд этилганда, белгиланган жараима қайси тартибда транспорт эгасига етказилади? Ҳайдовчи автомашинани ишончнома асосида бошқараётган бўлса, бундай ҳолатларда белгиланган жараима қиммининг номига қайд қилинади?

— Мазкур янгилик моҳиятига кўра, йўлларда ҳаракатланишда қондабузарликларни тезкор ва ўта аниқ даражада белгилашга асосланади. Видео кузатув мосламаси орқали қайд қилинган қондабузарлик автотранспорт эгасига етказилганда, шахсда ҳеч қандай эътироз бўлмагани ҳақида. Шунинг учун онлайн тарзда аниқ қайд этилган лавҳада қондабузарликка белгилан-

РЕКЛАМА

«ЎЗВИНОСАНОВАТ-ХОЛДИНГ»

ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

2015 йил 29 апрелдан 1 майгача «Ўзэкспомарказ» мажмуасида, соат 9:00 дан 17:00 гача ўтказилаётган Тармоқ саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасидаги холдинг компанияси стендига ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Хизматлар лицензияланган.

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459

18 272

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 20.50

Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda kelishilgan narxda

ТАДБИР

■ Тошкент ислом университетида «Диншунослик фанининг методологияси, ёндашуви ва услубиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Диншунослик фанининг долзарб масалалари

— Анжуман давомида бир қанча маърузалар тингланди, — дейди Тошкент ислом университети ўқитувчиси Чарос Мирхолиқова. — Айниқса, «Ўзбекистонда диний соҳада амалга оширилган ислохотлар ҳамда эришилган ютуқлар», «Диний экстремизм ва терроризмга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш асослари» мавзуларидаги маърузаларнинг аҳамияти катта бўлди, деб ўйлайман. Ёнғин асосийси, иштирокчилар давлатимиз томонидан миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш, муқаддас ислом динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги аҳамиятини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот олишди.

Тадбир давомида Тошкент ислом университетида тайёрланган ўқув қўлланма, илмий ва ўқув-услубий нашрлар тақдими бўлиб ўтди. Жумладан, «Глобаллашув ва диний жараёнлар», «Исломшунослик қомусий луғати», «Дин психологияси», «Ривоятлар бустони», «Маърифат гулшани», «Юртимиз алломалари» каби монография ҳамда китоблар иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Озода БЕКМУРОДОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ОБ-ҲАВО 14-15.04 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+7 / +12 +15 / +20

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+13 / +18 +23 / +28

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+9 / +14 +25 / +30

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+13 / +18 +25 / +30

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

+9 / +14 +23 / +28

Тошкент шаҳри

+12 / +14 +28 / +30

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +23 / +24

Париж +24 / +26

Москва +10 / +8

Мадрид +25 / +17

Пекин +26 / +29

Канберра +22 / +24

Рим +24 / +23

Афина +23 / +20

Токио +14 / +20

Стокгольм +11 / +19

Кейптаун +21 / +19

Қоҳира +24 / +24

Гавана +33 / +34

Вашингтон +18 / +21

ЎзХДП Марказий Кенгаши жамоаси

Хонобод шаҳар партия кенгаши раиси

Абдурахмон Обидовга онаси

Гулчеҳра аянинг

вафоти муносабати билан чуқур

таъзия изхор этади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5